

Халқаро Нордик университетида “UzReport журналистика, медиа ва коммуникациялар академияси” ташкил этилиши юзасидан

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, мамлакатимиз ва дунёнинг жадал ривожланаётган барча соҳаларидаги жараёнларни ёритиш, таҳлил қилиш борасида касбий, ижодий юқори салоҳиятга эга малакали журналистлар тайёрлаш замон талабидир. Давлатимиз раҳбари томонидан ОАВ соҳасида олий маълумотли, юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш, мамлакат равнақи йўлида фаолият олиб бораётган тизимлар, тармоқ ва соҳаларда очиклик, ошкораликни таъминлаш орқали жамиятимизда шаффоф муҳит яратиш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, ҳар йили тасдиқланган чора-тадбирлар асосида талабаларни дуал таълим дастурлари бўйича ўқитиш, белгиланган муддатларда олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнларида иштирок этишларини ва тегишли ташкилотларда амалий машғулотлар билан бирга меҳнат фаолиятини олиб боришларини таъминлаш, бу борада тизимли назорат ўрнатиш вазифалари белгиланган. *(Маълумот учун, дуал таълим – таълимнинг назарий қисми олий таълим муассасасида, амалий қисми эса иш жойида ўтказиладиган шакл ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 15-моддасига мувофиқ, “Дуал таълим” таълим олиш шаклларида бири сифатида киритилган).*

Жорий йилнинг 20 июнь куни Шавкат Мирзиёв раислигида олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида эндиликда ўқитиш ва илмий-тадқиқот жараёнлари илғор тажриба асосида тўлиқ ўзгариши, олий ўқув юртлари **“тармоқ – корхона – олийгоҳ”** занжири асосида дуал таълим тизимига тўлиқ ўтиши таъкидланди.

Ушбу мақсад ва вазифалар ижроси асносида Халқаро Нордик университетида **Журналистика** таълим йўналиши (бакалавриат) ва мутахассислиги (магистратура) бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўрта махсус маълумотли кадрларнинг олий таълим олишларига кўмаклашиш) фаолияти йўлга қўйилди. Кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий интеллектуал фазилатларга эга, холис ва тезкор материаллар тайёрловчи замонавий журналист кадрлар, ахборот хизмати ходимлари тайёрлаш мақсадида **Халқаро Нордик университети** ва **“UZREPORT” Ахборот Агентлиги** ҳамкорлигида **“UzReport журналистика, медиа ва коммуникациялар академияси”** ташкил этилди.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнига оид малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари Халқаро Нордик университетида ишлаб чиқилган ва тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқланган.

Академияда **Журналистика** таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича **дуал таълим**, яъни таълим, илм-фан ва амалиёт жараёнларини тўлиқ интеграциялаш, ҳамкорликда 2024-2025 ўқув йилидан нафақат маҳаллий балки халқаро аҳамиятли илмий-инновацион лойиҳа - “UzReport журналистика, медиа ва коммуникациялар академияси” фаолиятини ташкил этиш, мазкур Академия орқали журналистика соҳасида энг янги инновациялар, холис, тезкор ва креатив нуқтаи назар, профессионал билим ва кўникмаларга эга кадрлар, етук мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Ушбу эзгу мақсад йўлида:

Биринчидан, ХНУда “Қабул-2024” кампаниясини уюшқоқлик билан ташкил этиш, танлов асосида ҳақиқий билимга чанқоқ, саводхон, журналистик фаолиятга ижодий қобилияти юқори, иқтидорли ёшларни саралаб олиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Бакалаврият кундузги таълим шаклига – 60 нафар, сиртқиға – 60 нафар ва магистратура мутахассислигига – 30 нафар талаба ўқишга қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Мазкур таълим йўналиши ва мутахассисликка ҳужжат топширган абитуриентларни саралаб олиш жараёни икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич – тест шаклида (Она тили ва адабиёти, тарих фанларидан), иккинчи босқич – оғзаки ва ёзма иш шаклида ташкилланади. Хорижий тилларни билиш даражаси юқори бўлган талабгорларга устуворлик берилади.

Иккинчидан, ўқишга қабул қилинган барча талабаларга 20-100 фоизгача таълим гранти тақдим этилади. Грантлар ХНУ, “UzReport” Ахборот Агентлиги ва бошқа иш берувчи ташкилотлар томонидан ажратилади.

Бакалаврият босқичи кундузги таълим шаклида ўқиш 4 йил, сиртқида 5 йил ва магистратурада таҳсил олиш 2 йилни ташкил этади. Бакалаврият дипломини олиш учун талаба 240 кредит, магистр даражасини олиш учун эса 120 кредит тўплаши лозим. 1 кредит 30 академик соатни ташкил этади.

Учинчидан, ўқиш давомида талабаларга параллел равишда даромад топиш имконияти яратилади. “UzReport ТВ”, “FTV” телеканалларида мухбир, техник ходим, оператор, монтаж устаси, суҳандон, ижтимоий тармоқларда SMM ёрдамчиси сифатида иш ўринлари таклиф этилади.

Тўртинчидан, талаба бир пайтнинг ўзида **дуал таълим** асосида академик таълим ва “UzReport” Ахборот Агентлигида амалий билим олади. Бу орқали талабалар амалий тажриба орттирадилар, касбий кўникма ва

қобилиятларини ривожлантирадидлар, уларни бўлажак иш берувчиларга намойиш этиш имконияти яратилади. Дуал тизим, унга алоқадор барча томонлар – корхоналар, ишчилар, давлат манфаатларига жавоб беради. Корхона учун бу ходимларни “буюртма бериш” учун ўқитиш, уларнинг барча талабларига максимал даражада мувофиқлигини таъминлаш, ходимларни топиш ва танлаш, уларни қайта тайёрлаш ва мослаштириш харажатларини тежаш имкониятидир. Талабалар учун дуал таълим эрта мустақил бўлиш ва катта ҳаётга мослашиш учун катта имконият.

Бешинчидан, талабаларга жамоавий лойиҳалар тақдим этилади, хорижий ва маҳаллий илмий грантларда иштирок этиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тренинглар, журналистика соҳасида юқори нуфузга эга бўлган хорижий эксперт-журналистлар таклиф этилгани ҳолда “**маҳорат дарслари**” ташкил этилади.

Олтинчидан, талабалар учун нафақат маҳаллий телеканалларда амалиёт ўташ, балки хорижий давлатларда, хусусан, Финляндия, АҚШ, Жанубий Корея, Италия, Швеция, Венгрия, Франция давлатларида стажировкалар ҳам ташкил этилади.

Еттинчидан, университет ва “UzReport” Ахборот Агентлиги томонидан мунтазам равишда интеллектуал мусобақалар ва турли номинациялар бўйича кўрик-танловлар ташкил этиб борилади.

Саккизинчидан, ёзги таътил давомида талабалар учун махсус “**Work and Travel**” дастури ташкил этилади.

Академия фаолиятдан кўзда тутилаётган натижалар:

Биринчидан, тизимни доимий ислоҳ этиб туришга қодир билимли кадрлар авлоди етиштириб чиқарилади. Бунга таълим ва амалиёт жараёнида тажрибали йўл кўрсатувчи *koucher* мутахассислар, энг тажрибали ўқитувчилар, республиканинг илғор профессор-ўқитувчилари, таниқли, маҳоратли журналистларни жалб этиш орқали эришилади. Улар нафақат дарс беришади, балки талабаларга ғоя беришади, кутубхонадан фойдаланиш, қидирув ва ахборот тизимларини унумли қўллаш, ўқиш, ривожланиш сари йўналтириб боришади. Бўлажак журналистларнинг қизиқишларини ривожлантириб, мустақил ишлаш кўникмалари сингдирилади.

Иккинчидан, қаламкаш журналист, суҳандон, сиёсатшунос, блогер, профессионал матбуот котиби, видеомонтажчи, медиадизайнерлар тайёрланади. Уларга ўқишни битиргунларича амалиётнинг турли жабҳаларида ўз қобилиятларини синаб кўриш, қаламларини чархлаш имконияти яратилади. Замонавий жиҳозланган медиа ва телестудия, IT технологиялари орқали янги услублар билан керакли билим захирасига эга бўлишларига кўмаклашилади.

Учинчидан, барча ОАВлар, нашриётлар, агентликлар, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатилди, шунингдек халқаро ҳамкорлар орқали хорижда ўқиш ва малака ошириш учун етарлича имконият яратилди. Сўнги технологиялар билан жиҳозланган ўқув хоналари, телестудия, фотолаборатория, кутубхона ва барча шароитларга эга ўқув бино талабалар ихтиёрида бўлади. Дунёнинг Финляндия, АҚШ, Корея, Италия, Швеция, Венгрия ва Франция каби ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетларнинг медиа-марказлари фаолияти ўрганилади ва тажрибалари қўлланилади.

Тўртинчидан, талабалар Ғарб ва Шарқ журналистикаси тарихи, медиа ҳуқуқи ва этикаси, медиа тили ва услуби, халқаро журналистика жанрлари, публицистика ва документалистика, жонли эфирда ишлаш маҳорати, янгиликлар дастурини тайёрлаш, журналистиканинг янги трендлари билан ишлаш, сценарий ёзиш каби профессионал маҳоратга эга бўладилар. Академик билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлаб борадилар.

Бешинчидан, амалий билимлар 2014 йилда ташкил этилган, дунёнинг 100 дан ортиқ давлатида номойиш қилинадиган, 24 соат эфирга узатиладиган Ўзбекистондаги илк информацион телеканал – **UzReport TV** да мустаҳкамланади. Юртимизда биринчилардан бўлиб Reuters, Bloomberg, CCTV каби халқаро ахборот агентликлари ва Discovery, National Geographic лойиҳалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган, 1999 йилдан буён фаолият юритувчи УзРепорт ахборот агентлиги қошида ташкил этилган мазкур телеканалнинг сўз эркинлиги, маълумотларнинг ҳолис ва тезкор етказилиши, одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида салмоқли фаолияти ҳар бир талаба – бўлажак мутахассис учун касбий чархланиш мактаби бўлади. Таҳририят ижодкорларининг ислоҳотлар ва жамоатчиликни қизиқтирган масала-муаммоларнинг ёритилишида ўзгача, профессионал ёндашуви талаба-ёшларга ўргатиб борилади.

Шунингдек, **Futbol TV** телеканали, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли соҳаларидан янгиликларни тўплаб, ҳар куни нашр қиладиган мамлакатдаги етакчи портал www.uzreport.news каби йирик ахборот ресурслари талабалар учун амалий билимлар манбаи бўлади. Талабалар таълим олиш бирга маҳоратли журналистлар билан ҳамнафас ижодий амалий фаолият олиб боришади.

Бир сўз билан айтганда, Халқаро Нордик университетининг “**UzReport журналистика, медиа ва коммуникациялар академияси**” бўлажак журналистларга ҳақиқий ҳаётининг университет сабоғини беради. Журналистика соҳасига ихтисослашган йирик академияга айлантирилади. Замонавий тенденциялар асосида соҳадаги анъаналарни давом эттиришга қодир, рақобатбардош журналистлар тайёрлаш мактаби вазифасини ўтайди.